



О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2025 yil «10» сентябрь

№ ПФ–162

Педагогика йўналишидаги олий таълим ташкилотларининг талабалари учун Абдулла Авлоний номли давлат стипендиясини таъсис этиш тўғрисида

Педагогика йўналишидаги олий таълим ташкилотларида тахсил олаётган, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган ҳамда академик ўзлаштиришда юқори натижаларни қайд этган билимли ва иқтидорли талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қарор қиламан:

- 1. 2025/2026 ўқув йилидан** бошлаб педагогика йўналишидаги олий таълим ташкилотларининг талабалари учун **Абдулла Авлоний номли давлат стипендияси** таъсис этилсин.
- Абдулла Авлоний номли давлат стипендияси педагогика йўналишидаги ҳар бир олий таълим ташкилотининг бакалаврият таълим йўналишида тахсил олаётган бир нафар охирги икки курс талабасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида” 1993 йил 5 февралдаги ПФ–555-сон Фармонида белгиланган талаблар асосида тайинлансин.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги “Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида”ги ПФ–555-сон Фармонида **иловага** мувофиқ педагогика йўналишидаги олий таълим ташкилотлари талабалари учун Абдулла Авлоний номли давлат стипендиясини таъсис этишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
- Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг таълимни ислоҳ қилиш бўйича ўринбосари Х.У.Умарова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 10 сентябрдаги ПФ–162-сон Фармониغا
илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
1993 йил 5 февралдаги “Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини
рағбатлантириш чоралари тўғрисида”ги ПФ–555-сон Фармониغا
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

2-бандда:

биринчи хатбоши “Паҳлавон Маҳмуд,” сўзларидан кейин
“педагогика йўналишида – Абдулла Авлоний,” сўзлари билан тўлдирилсин;
қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Абдулла Авлоний номли давлат стипендияси педагогика
йўналишидаги ҳар бир олий таълим ташкилотининг бир нафар охирги икки
курс талабасига”;

саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар тегишлича тўққизинчи
ва ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

